

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ.

№: 115328ЖШ

2022 йил 07 июль

Бухоро шаҳри.

Кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш Бошқармаси номидан, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг Буйруғига асосан фаолият юритувчи Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Ш.А.Жумаев бир томондан ва кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритиладиган УМИД ШАХИН номидан корхона Низоми асосида фаолият юритувчи МЧЖ раҳбари Н.М.Эрдонова иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси биносини худудига гул сотиб олиш ишларини амалга ошириш"га доир мазкур шартномасини туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топширади, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулотни) қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1	Ушбу	шартноманинг	умумий	суммаси
80.000.000	(саксон)	миллион		ташқил

қилади.

2.2 Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олинadиган тўлов миқдори \_\_\_\_\_ сўми, яъни белгиланган суммасининг 15 %ташқил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июль ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса \_\_\_\_\_ сўми, келишилган сумманинг 85 фоизини ташқил этади ва бу якуний тўлови ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилинганидан сўнг 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун ичида сифатсиз товар (маҳсулотни) сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 3.1.2-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарни пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз хисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларин тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:



3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган холда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 1 (бир) кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаб бериш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолагандагина ҳақиқийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0.5% миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширмаганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Шартноманинг 4.1.2.-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош торган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 30 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларини шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.



## **6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Шартнома муддати 31.12.2022 йил этиб белгиланади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузулиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги холларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз Р. Конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган холларда.
- Форс-Мажор холатларда

## **7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

7.1. Мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига тегишли тартибда Ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказилган кунидан бошлаб қонуний кучга киради ва ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун асос хисобланиб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўланади.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келишиб олмасалар низолар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иқтисодий суди ҳал қилинади.

8.3. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро Иқтисодий Суди томонидан кўриб чиқилади.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
Гвардияси Бухоро вилояти  
Кўриқлаш бошқармаси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри М.Иқбол  
кўчаси 10-уй.

**Х.Р.** 21596000203976980001

**МФО:** 00017 **ИНН:** 202623032

**Банк номи:** Марказий банк  
Бухоро вилояти бошқармаси.

**«СОТУВЧИ»**

**Манзили:** \_\_\_\_\_

**Х.Р.:** \_\_\_\_\_

**МФО:** \_\_\_\_\_ **ИНН:** \_\_\_\_\_

**Банк номи:** \_\_\_\_\_

**УМИД ШАХИН МЧЖ раҳбари**

**Н.М.Эрдонова**

Бошқарма бошлиғи



**Ш.А.Жумаев**


Телефон: 21-30-11

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Ш.Р.Тешаев**

Бошқарма бош юрисконсульти

**М.У.Сувонов**



Бош ҳисобчи:

\_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос:

\_\_\_\_\_

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1 Сotувчинини мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Тovar (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб бeришга қoғaм қилган ҳoлда Сotиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Тovar (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурӯҳга ўрач амалнинг стандартлари а мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сotувчин тўғрисида яроқсиз, сифати лoғим даражада бўлмаган тovarлар (маҳсулот) мажбуриятини хaлққи хaбeр қилиш пaйғoмидa бoқилaб 3 (уч) кун ичида сифатсиз тovar (маҳсулот)ни сифатсизлигига ашбошларига бeк ушбу шартноманинг 3.1.2-бандига мувофиқ сифати лoғим даражада бўлмаган тovarни пулни қайтариб бeради.
  - 3.1.4. Тransпорт харажатларини ўз хисобидан тўлайди.
  - 3.1.5. Сotувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини мувофиқ тovar (маҳсулот)га бўлган қaфoлият мuddaтларини тақдир тoди.
- 3.2 Сotиб олувчинини мажбуриятлари: